

**АФРИКА ТАРИФИГА МИНЕРАЛ ВА ОРГАНИК ЎҒИТЛАР ҚЎЛЛАШНИНГ  
ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ****ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ  
МИНЕРАЛЬНЫХ И ОРГАНИЧЕСКИХ УДОБРЕНИЙ ПОД АФРИКАНСКОЙ  
ПШЕНИЦЕЙ****ECONOMIC EFFECTIVENESS OF USING MINERAL AND ORGANIC  
FERTILIZERS FOR AFRICAN WHEAT**

Намозов Нормамаат Чориевич

К.х.ф.ф.д (PhD), Тошкент Давлат аграр университети доцент

Касимов Ботир Садриддинович

Мустақил тадқиқотчи Тошкент Давлат аграр университети ката ўқитувчиси

Намозов Н.Ч.

К.х.ф.д., Ташкентский государственный аграрный университет

Қосимов Б.С.

Свободны совескател, Ташкентский государственный аграрный университет

Namozov N.Ch.

Ph.D. Tashkent State Agrarian University

Qosimov B.S.

Independent researcher, Tashkent State Agrarian University

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10995460>**Аннотация**

Ҳозирги вақтда бутун жаҳонда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинларидан олинган маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги нархининг етиштирилишига сарфланадиган харажатларга нисбатан пастлиги соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари долзарб масала ҳисобланади.

Органик ўғит, минерал ва органик ўғитлар бирга қўлланилган вариантларда иқтисодий жиҳатдан рентабеллик 2 ва 3-вариантларга нисбатан пастлиги кузатилди. Демак олиб борилган тадқиқот натижалари асосланиб, ҳар иккала навда ҳам N<sub>60</sub> P<sub>45</sub>K<sub>30</sub> ва N<sub>90</sub>P<sub>65</sub>K<sub>45</sub> вариантларда иқтисодий самарадорлик юқори бўлиши кузатилди.

**Аннотация.**

В настоящее время актуальным вопросом являются меры по решению проблем в области низких цен на продукцию, получаемую из выращиваемых во всем мире сельскохозяйственных культур, на мировом рынке по сравнению с затратами, затрачиваемыми на ее выращивание.

В вариантах, где органическое удобрение, минеральные и органические удобрения применялись совместно, отмечено, что экономическая рентабельность была ниже по сравнению со 2-м и 3-м вариантами.

Таким образом, по результатам исследований отмечено, что экономическая эффективность высока у вариантов N<sub>(60)</sub>P-45-K-30 и N-90

P-65 K-45 в обеих разновидностях

**Abstract.**

At present, measures to solve the problems in the field of low prices of the products obtained from agricultural crops grown all over the world in the world market compared to the expenses spent on their cultivation are an urgent issue.

In the options where organic fertilizer, mineral and organic fertilizers were used together, it was observed that the economic profitability was lower compared to the 2nd and 3rd options. Therefore, based on the results of the research, it was observed that economic efficiency is high in N<sub>60</sub> P-45 -K30 and N-90 P-65 K-45 variants in both varieties.

**Калит сўзлар.** Минерал ўғитлар илдиз орқали бериш ўсимликни ўсиши ва самарадорлигига таъсири.

**Ключевые слова.** Влияние минеральных удобрений на рост и продуктивность растений.

**Keywords.** Effect of mineral fertilizers on plant growth and productivity.

**Кириш.** Бугунги кунда донли екинлар жаҳон халқлари озиқ-овқат рационининг асосий манбаи бўлганлиги сабабли ушбу экин майдонини кенгайтириш, ҳосилдорлиги ва сифатини оширишга бўлган эътибор тобора кучайиб бормоқда.

Шу жумладан ҳар бир минтақанинг тупроқ-иқлим шароитларини, буғдойнинг биогенетик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тезпишар ва ҳосилдор навларини яратиш, ҳар бир нав агротехникасини ишлаб чиқиш, айниқса донли екинларни озиқлантириш меъёрлари ва муддатларини ишлаб чиқиш ҳозирги замон талаби бўлиб қолмоқда.

Шу сабабли ҳам Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларини яхшилаш донли екинларни илдиздан озиқлантиришда минерал ва органик ўғитлар самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимиз деҳқончилигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурини муваффақиятли амалга оширилишида мўл, арзон ва сифатли экинларни етиштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда бутун жаҳонда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинларидан олинган маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги нархининг етиштирилишига сарфланадиган харажатларга нисбатан пастлиги соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари долзарб масала ҳисобланади.

Ҳозирги кунда энергетик ва агрономик самарадорликни баҳолаш ўғит қўллашда кенг тарқалган.

Олинган натижалар кўрсатишича, барча қўлланилган ўғит турлари дон сифатига сезиларли таъсир этди. Ўғитланган вариантларда африка тариғининг кимёвий таркибини сезиларли равишда яхшилади. Бунда N<sub>120</sub>P<sub>85</sub>K<sub>60</sub>+20 т/га гўнг қўлланилган вариантда энг яхши эканлиги, иккинчи ўринда N<sub>60</sub>P<sub>45</sub>K<sub>30</sub>+20 т/га гўнг қўлланилган вариантда, учинчи ўринда эса N<sub>120</sub>P<sub>85</sub>K<sub>60</sub> қўлланилган вариантда эканлиги маълум бўлди.

Барча қўлланилган ўғит турлари дон сифатига ҳам сезиларли таъсир этди. Назорат вариантыда протеин миқдори 12,08 фоизни ташкил этган бўлса, N<sub>120</sub>P<sub>85</sub>K<sub>60</sub>+20т/га гўнг қўлланилган вариантда 15,28 фоизни ташкил этди. Шунингдек, N<sub>90</sub>P<sub>65</sub>K<sub>45</sub> +20 т/га гўнг

қўлланилган ва N<sub>120</sub>P<sub>85</sub>K<sub>60</sub> вариантларда ҳам ушбу кўрсаткични юқори эканлигини кузатишимиз мумкин. Ёғ миқдори, клетчатка ва кул миқдори 8-7 % ни ташкил этди. 7-8 вариантларда бошқа вариантларга нисбатан юқори бўлганлиги кузатилди.

1-жадвал

**Африка тариғини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги**

(2015-2017 йй)

| №  | Тажриба вариантлари  | Африка тариғи навлари | Ҳосилдорлик, ц/га |      | Жами харажатлар, сўм/га | Жами даромад сўм/га | Ялри фойда, сўм/га | Рентабиллик % |
|----|--|-----------------------|-------------------|------|-------------------------|---------------------|--------------------|---------------|
|    |  |                       | Кўк масса         | Дони |                         |                     |                    |               |
| 1. | Назорат (ўғитсиз)  | NNBС талл             | -                 | -    | -                       | -                   | -                  | -             |
|    |  | ЕЕВС                  | -                 | -    |                         |                     |                    |               |
| 2. | N <sub>60</sub> P <sub>45</sub> K <sub>30</sub>                | NNBС талл             | 303.9             | 15.7 | 1575864                 | 19340000            | 17764136           | 11.27         |
|    |  | ЕЕВС                  | 200               | 12.3 |                         |                     |                    |               |
| 3. | N <sub>90</sub> P <sub>65</sub> K <sub>45</sub>                | NNBС талл             | 325.4             | 16.9 | 1812309                 | 20028000            | 18215631           | 10.05         |
|    |  | ЕЕВС                  | 225               | 13.1 |                         |                     |                    |               |
| 4. | N <sub>120</sub> P <sub>85</sub> K <sub>60</sub>               | NNBС талл             | 357.5             | 18.4 | 1928784                 | 21870000            | 19941216           | 10.33         |
|    |  | ЕЕВС                  | 250               | 14.1 |                         |                     |                    |               |
| 5. | 20 тонна гўнг  | NNBС талл             | 350.8             | 15.5 | 2979000                 | 19560000            | 16581000           | 5.56          |
|    |  | ЕЕВС                  | 230               | 11.8 |                         |                     |                    |               |
| 6. | N <sub>60</sub> P <sub>45</sub> K <sub>30</sub> +20т/га гўнг   | NNBС талл             | 421.9             | 19.0 | 3665864                 | 23638000            | 19972136           | 5.44          |
|    |  | ЕЕВС                  | 384               | 15.2 |                         |                     |                    |               |
| 7. | N <sub>90</sub> P <sub>65</sub> K <sub>45</sub> +20 т/га гўнг  | NNBС талл             | 472.3             | 20.7 | 3902309                 | 26006000            | 22103691           | 5.66          |
|    |  | ЕЕВС                  | 280               | 16.0 |                         |                     |                    |               |
| 8. | N <sub>120</sub> P <sub>85</sub> K <sub>60</sub> +20 т/га гўнг | NNBС талл             | 616.5             | 21.2 | 4018784                 | 29200000            | 25271216           | 6.29          |
|    |  | ЕЕВС                  | 396               | 16.8 |                         |                     |                    |               |

Эслатма: Минерал ўғитлар N<sub>120</sub>P<sub>85</sub>K<sub>60</sub>+20т/га гўнг қўлланилган ва N<sub>60</sub>P<sub>45</sub>K<sub>30</sub>+20 т/га гўнг қўлланилган вариантларида дон ҳосили NNBС талл» навида 20,4-21,3 ц/га бўлса, ЕЕВС навида 16,0-16,8 ц/га ни ташкил этди. Қўшимча ҳосил 12,8-9,83 ц/га ни ташкил этди.

Маҳсулотни қайта ишлаш, энергия кам сарфланадиган ёлларни ториш, ўғит қўллаш технологиясини билиш учун агрономик ва энергетик самарадорликни кенг миқёсда баҳолашни ҳисобга олиш зарур.

Олинган натижа асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин. «NNBС tall» навининг 2 ва 3 вариантларда кўк масса қўшимча ҳосили 306,1-327,6 кг/га тенг бўлиб, дон ҳосили эса 5,14-5,51 кг/гани ташкил этиб, қўлланилган ўғитни қоплаш 2-вариантда 6,1 ни, 3-вариантда эса 4,39 ни ташкил этди. Бошқа вариантларда қўлланилган ўғитни қорлаш 2,4-3,56 ни ташкил этди. «ЕЕВС» навида ҳам 2 ва 3-вариантларда қўлланилган ўғитни қорлаш юқорилиги кузатилди.

Тажрибанинг 2-вариантида гўнг билан озиқлантирилмасдан фақат минерал ўғитлар билан озиқлантирилгандаги иқтисодий самарадорликка назар солсак, қуйидаги ҳолатларни гувоҳи бўламиз. Яъни, N<sub>90</sub>P<sub>65</sub>K<sub>45</sub> кг/га меъёрда озиқлантирилганидаги соф фойда «NNBС tall» навида 17764136 сўм/га.ни ташкил этиб, рентабелликнинг ҳам 11,27% ташкил қилди. «ЕЕВС» навида эса ялри фойда 12264136 сўм/га.ни ташкил этиб, рентабеллик 7,78% ни кўрсатди.

Африка тариғини ўрганилган навлари ва озиқлантириш вариантлари Тошкент вилояти тирик бўз турроқлари шароитида чорвачилик учун юқори сифатли ва кўр миқдорда озуқа бериши, донидан эса озуқа модда сифатида фойдаланиш мумкинлиги тасдиқланди.

Африка тариғи ўсимлигининг ўсиш тезлиги бўйича «ННВВС tall» ва ЕЕВС навларида кескин фарқлар кузатилди. Вариантлар бўйича ҳам  $N_{90}P_{65}K_{45} + 20$  т/га гўнг ва  $N_{120}P_{85}K_{60}$  вариантларида ҳамда ўсимликнинг барча фазаларида юқорилиги кузатилди.

Африка тариғининг  $N_{120}P_{85}K_{60} + 20$  т/га гўнг қўлланилган ва  $N_{60}P_{45}K_{30} + 20$  т/га гўнг қўлланилган вариантларида дон ҳосили ННВВС tall» навида 20,4-21,3 ц/га бўлса, ЕЕВС навида 16,0-16,8 ц/га ни ташкл этди. Қўшимча ҳосил 12,8-9,83 ц/га ни ташкил этди

Органик ўғит, минерал ва органик ўғитлар бирга қўлланилган вариантларда иқтисодий жиҳатдан рентабеллик 2 ва 3-вариантларга нисбатан пастлиги кузатилди.

Демак олиб борилган тадқиқот натижалари асосланиб, ҳар иккала навда ҳам  $N_{60}P_{45}K_{30}$  ва  $N_{90}P_{65}K_{45}$  вариантларда иқтисодий самарадорлик юқори бўлиши кузатилди.

### References:

1. Бекжанов З., Уразбаев А., Худойқулов Б., “Кузги бошоқли дон екинларининг рарвариши” Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2012. №3.Б.4-5
2. Хадикова Т.Б. Влияние удобрений на урожайность африканского ррота. / С.Х. Дзанагов, Т.Б. Асаева. // Аграрная наука, №9, 2008, с.6–7.
3. Хадикова Т.Б. Африканское ррото в рредгорях Северной Осетии. / Б.Г. Цугкиев, С.Х. Дзанагов. // Земледелие. 33, 2007, с.32.